

Касимова Гуляра Ахматовна,
Тошкент Молия институти «Пенсия иши»
кафедраси фахрий профессори;
Саъдуллаева Шохиста Ғайратжон қизи,
Тошкент молия институти ПИ-3 гуруҳ
магистранти

МЕҲНАТ СТАЖИНИНГ ПЕНСИЯНИ ҲИСОБЛАШГА ТАЪСИРИ ВА ПЕНСИЯ ЁШИНИ БЕЛГИЛАШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

УДК: 331

КАСИМОВА Г.А., САЪДУЛЛАЕВА Ш.Ф. МЕҲНАТ СТАЖИНИНГ ПЕНСИЯНИ ҲИСОБЛАШГА ТАЪСИРИ ВА ПЕНСИЯ ЁШИНИ БЕЛГИЛАШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мақола фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимида пенсия ёшининг таъсири, пенсия таъминотида меҳнат стажининг аҳамияти ва моҳиятини ўрганишга бағишланган. Ривожланган мамлакатларнинг пенсия таъминоти бўйича илғор тажрибаларини Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари кўриб чиқилган.

Таянч иборалар: Пенсия жамғармаси, пенсия таъминоти, пенсия тизими, меҳнат стажи, пенсия ёши, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий суғурта, суғурта бадаллари, даромад, назорат, инвестиция, хавфсизлик, моливий риск, ижтимоий риск.

КАСИМОВА Г.А., САЪДУЛЛАЕВА Ш.Г. ВЛИЯНИЕ ТРУДОВОГО СТАЖА НА РАСЧЁТ ПЕНСИИ И ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА В ОПРЕДЕЛЕНИИ ПЕНСИОННОГО ВОЗРАСТА

Статья посвящена изучению влияние пенсионного возраста на систему пенсионного обеспечения, сущности и значению трудового стажа в пенсионном обеспечении. Рассматриваются возможности применения передового опыта развитых стран в области пенсионного обеспечения в Узбекистане.

Ключевые слова: Пенсионный фонд, пенсионное обеспечение, пенсионная система, трудовой стаж, пенсионный возраст, социальная защита, социальное страхование, страховые взносы, доход, контроль, инвестиции, безопасность, финансовый риск, социальный риск.

KASIMOVA D.A., SADULLAYEVA SH.K. THE EFFECT OF LABOR MARKET ON THE PENSION CALCULATION AND USE OF FOREIGN EXPERIENCE IN DETERMINING THE PENSION AGE

Article is devoted to studying influence of the retirement age to pension provision system, the importance and meaning period of work to pension provision. The opportunities of implementing advanced experience of the developed countries in the sphere of pension provision into Uzbekistan are discussed.

Keywords: Pension fund, pension supply, pension system, work experience, retirement age, social policy, insurance, insurance cost, revenue, control, investment, security, financial risk, social risk.

Кириш.

Ўзбекистонда пенсия таъминоти аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Пенсия таъминоти деярли барча фуқароларнинг ҳаётининг манфаатлари билан боғлиқ, фуқаролар меҳнат қобилиятини йўқотганларида шу тизим орқали ижтимоий ҳимоя қилинади. Ўзбекистон шароитида йилдан-йилга жаҳон андозалари даражасига яқинлашиб бораётган давлатимизнинг пенсия таъминоти соҳасидаги сиёсати ҳақиқатан ҳам кенг халқ оммаси манфаатларини ҳимоялаган ҳолда, аниқ мақсадни кўзлаб олиб борилаётганлигидан дарак беради.

Мамлакатимизда пенсияларни ҳисоблашда меҳнат стажи ва суғурта бадалларини тўлаш, пенсияга чиқиш ёшини белгилаш билан боғлиқ масалаларда хорижий илғор тажрибаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Энг аввало, таъкидлаш керакки, дунёнинг жуда кўп мамлакатларида фуқароларнинг пенсия таъминоти турли моделларда амалга оширилади, тақсимланувчи пенсия тизимини жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўлдиради. Бунда айрим мамлакатларда аёллар ва эркеклар учун пенсияга чиқиш ёшида фарқлар мавжуд, пенсия тизимини молиялаштиришда асосий устуворлик давлатга берилса, бошқа давлатларда пенсия фондларининг даромадларини иш берувчи ва ишчи-ҳодимларнинг суғурта бадаллари ташкил этади. Қуйида ана шу ҳолатларни ҳисобга олувчи бир нечта мамлакатлар пенсия тизимларининг ўзига хос хусиятларини кўриб чиқамиз.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Ҳозирги кунда пенсия тизими соҳасидаги долзарб муаммоларни ҳал этишда, пенсия тизимини ислоҳ қилиш ва тизимни такомиллаштиришда хорижий ва ватанимиз олимларининг тадқиқот ишлари диққатга сазовордир. Жаҳон пенсия тизими ривожланишининг назарий асослари, пенсия моделлари ва мазкур тизимни ислоҳ қилиш йўналишлари, тақсимланувчи ва жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ўзига хос хусиятлари хорижлик иктисодчи олимлар - Ж.Ю.Стиглиц, Ж.М.Кейнс, Ж.Бьюкенен, Л.П.Якушева, А.Г.Куксин, С.М.Березин, Н.А.Вигдорчик, К.Г.Воблый, И.В.Гейц, В.И.Жуков ва бошқалар томонидан таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялашда пенсия суғуртасининг аҳамияти, пенсияларни ҳисоблаш, тайинлаш ва тўлаш тартиби, Пенсия жамғармасининг фаолияти ва вазифалари, пенсия тизимининг ривожланиш тенденциялари ҳамда пенсия тизимини ислоҳ этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари Қ.Х.Абдураҳмонов, З.А.Абдуллаев, А.В.Вахабов, Д.Р.Рустамов, Н.М.Мажидов, Б.Х.Умурзоқов, Г.А.Касимова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Услубиёт ва таҳлиллар.

Пенсия фуқароларга давлат, иш берувчи ва бошқа субъектлар томонидан қонунда белгиланган ҳолларда мунтазам ва умрбод тўланадиган тўловлар бўлиб, ижтимоий таъминотнинг муҳим шакли ҳисобланади. Шунинг учун фуқароларга умрининг охирига қадар пенсия тўлаш, муносиб яшаш шароитини яратиб беришни давом эттириш давлат зиммасидаги энг муҳим ва долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5597-сон фармонида мувофиқ, 2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланади. Бундан ташқари, худди шу санадан бошлаб пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробаригача оширилди, ушбу ўзгаришни ҳисобга олган ҳолда тўланаётган пенсиялар миқдори қайтадан ҳисоблаб чиқилди.

Фуқаролар пенсия таъминоти тизимининг асосий кўрсаткичларидан бири пенсия ёши ҳисобланади. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, дунёда ўртача пенсия ёши эркеклар ва аёллар учун 62 ёшни ташкил этса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 57,5 ёшни ташкил этади (аёллар учун 55 ёш, эркеклар учун 60 ёш). Марказий Осиё давлатларида, масалан Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқи эркеклар учун 63 ёш, аёллар учун 58 ёш. Қозоғистонда аёлларнинг пенсия ёшини 63 ёшга етказиш, бунда ҳар йили пенсия ёшини 6 ойга босқичма-босқич ошириш йўли билан амалга ошириб борилади. Туркменистонда пенсия ёши

эркаклар учун 62 ёшни, аёллар учун 57 ёшни ташкил этади¹.

«Пенсия миқдори бир томондан жамиятда энг кам даромадларнинг ҳимоясини таъминлаш ва ижтимоий барқарорликка эришиш имконини беради, иккинчи томондан ижтимоий адолатни таъминлаш имконини берувчи пенсияга чиқиш олдидаги иш ҳақига боғлиқ. Бирдамлик тамойилига асосланган пенсия тизимида жорий пенсия мажбуриятларини қоплаш учун зарур бўлган бадал турларини йиғиш амалга оширилади»². Тақсимланувчи пенсия тизимида пенсионерлар ҳозир ишлаётган фуқаролар томонидан пенсия фондига бадалларни тўлаши ҳисобига пенсия оладилар. Турли ривожланган давлатларда пенсия ҳисоблаш учун даромадларни ҳисобга олиш даври турлича йилларни ташкил қилади. Масалан, Франция ва Швецияда пенсионерларга пенсияни ҳисоблаш учун даромадларни ҳисобга олиш даври бирмунча фойдали бўлган 12 йилни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни фуқароларнинг кексайганда, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчисиз қолганда ижтимоий таъминланишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, давлат пенсияларининг ягона тизими, уларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқариш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилаб берувчи мукамал қонун ҳужжати бўлиб, мустақил давлатлар орасида биринчилар қаторида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасида ёшга доир пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг аризасига қуйидагилар илова қилиниши керак: иш стажини, шу жумладан махсус иш стажини тасдиқловчи ҳужжат; амалдаги иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома; ариза берувчининг жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси нусхаси (2005 йил 1 январдан кейин). Бундан ташқари, зарур ҳолларда бошқа ҳужжатлар тақдим этилади. Ўзбекистон Республикасида 2016 йилдан бошлаб, пенсия тайинлаш учун йиллик мурожаатлар сони-

нинг ортиб бориши (йиллик ўртача ўсиш – 16 минг нафар фуқаро) кузатилмоқда ва 2025 йилга бориб 300 минг нафарга ортиши кутилмоқда. Ёшга доир пенсия тайинлаш учун мурожаатларнинг асосий ўсиши, туғилиш даражаси юқори бўлган 50-60-йилларда туғилган фуқароларнинг умумий белгиланган пенсия ёшига етиши билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикасида сўнгги йиллар давомида иқтисодий фаол аҳоли ҳиссасига ижтимоий бадаллар бўйича юклама тобора ошмоқда. Демографик башоратларга кўра, 2018-2025 йилларда пенсия ёшидаги аҳолининг улуши (1,2 млн. кишига) ошиши кутилмоқда, бу эса, ўз навбатида, Пенсия жамғармаси харажатларининг мутаносиб равишда ошишига олиб келади³.

Пенсия жамғармаси пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва қайта ҳисоблаб чиқиш учун зарур бўлган тақдимномалар, аризалар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилади, уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштиради. 1-жадвалда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2019 йилги даромадлари ва харажатлари кўрсатилган.

Иш стажини - меҳнат дафтарчаси ва иш жойидан, хизматдан, ўқишдан ёки архивдан берилган бошқа ҳужжатлар бўйича аниқланган, ишдаги танаффуслардан қатъи назар, қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган меҳнат фаолияти ва бошқа фаолиятнинг умумий давомилийгидир. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунда белгиланган ёшни 15 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига гипофизар миттилик касалига чалинганлар (лилипутлар) ва гавда тузилишида мутаносиблик бузилган паканалар: эркаклар - иш стажини камида 20 йил бўлганда; аёллар - иш стажини камида 15 йил бўлганда эга бўладилар. Иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилалари «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга биноан давлат пенсиялари олиш ҳуқуқига эга эмас. Уларнинг ижтимоий таъминланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

¹ «Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш концепцияси» лойиҳаси. <http://pf.ru/uz>

² Вахабов А., Охундаева М. Жаҳон пенсия тизимини ривожлантириш хусусиятлари. // «Молия», 2014, 2-сон. –87-б.

³ «Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш концепцияси» лойиҳаси. <http://pf.ru/uz>

1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2019 йилги даромадлари ва харажатлари прогнози¹ (млрд.сўмда)

Тўр	Кўрсаткичлар	Миқдори
I	Йил бошида қолдиқ	6450,0
II	Даромадлар	23656,6
	Меҳнат ҳақи фондига нисбатан ягона ижтимоий тўлов	17548,5
	Ягона солиқ тўловчилардан ягона ижтимоий тўлов	1192,1
	Бошқа даромадлар	207,0
	Солиқсиз тушумлар	9,0
III	Давлат бюджетидан субсидия	4700,0
IV	Харажатлар, жами	26970,1
	Пенсия ва бошқа тўловлар учун харажатлар	26930,1
	Бошқа харажатлар	40,0
V	Йил охирига қолдиқ	3136,5

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни асосида мавсумий ишларда банд бўлган ходимларга пенсиялар тайинлашда пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинган ўртача ойлик иш ҳақи, ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, меҳнат фаолиятининг охириги ўн йили давомидаги исталган кетма-кет беш мавсумдаги (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) қайта ҳисобланган иш ҳақининг умумий миқдорини олтимишга бўлиш йўли билан аниқланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 37-моддасига асосан, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан яқка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) хўжалигидаги фаолият Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари

Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда иш стажига қўшиб ҳисобланади. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддаси «г» банди қуйидаги таҳрирда ўзгартирилди. Яқка тартибдаги меҳнат ва оилавий тадбиркорлик фаолияти, шу жумладан шахсий ёрдамчи хўжалигидаги ва юридик шахс ташкил этилмаган ҳолдаги деҳқон хўжалигидаги фаолият:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда иш стажига қўшиб ҳисобланади.

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун - ягона ижтимоий тўлов тўланган тақдирда иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Турли мамлакатларда амал қилаётган пенсия моделларини кўрадиган бўлсак, улар бир-биридан ижтимоий таъминот тизими, пенсия ёши ва суғурта бадаллари жиҳатидан фарқ қилади.

2-жадвал маълумотларининг таҳлили шундан далolat берадики, турли мамлакатлар пенсия таъминоти учун мажбурий ажратма ставкалари ва унинг тўловлари ҳамда иш берувчи ва ишловчилар ўртасидаги суғурта юки тақсимоти, пенсияга чиқиш ёши турличадир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ПҚ-4086 қарори.

2-жадвал. Айрим мамлакатларда пенсия таъминоти моделлари хусусиятлари¹.

Мамлакатлар	Ижтимоий ҳимоя тизими	Пенсия ёши	Суғурта бадаллари
Германия	Кўп даражали пенсия тизими: 1-даража - пенсия таъминотининг мажбурий тизими; 2-даража - корхоналар томонидан тўланадиган ёшга доир ихтиёрий пенсия таъминоти; 3-даража - ихтиёрий хусусий пенсия таъминоти	Аёллар ва эркаклар 67 ёшдан	Пенсия жажғармасига иш берувчилар ва ишловчи-ходимлар томонидан суғурта бадаллари тўланади
АҚШ	Кўп даражали пенсия тизими: 1-даража - тақсимланувчи пенсия тизими; 2-даража - жамғариб бориладиган пенсия тизими	Аёллар ва эркаклар 67 ёшдан	Пенсия жажғармасига иш берувчилар ва ишловчи-ходимлар томонидан суғурта бадаллари тўланади
Швеция	Кўп даражали пенсия тизими: 1-даража - шартли жамғариб бориладиган пенсия таъминоти; 2-даража - индивидуал жамғариб бориладиган пенсия таъминоти; 3-даража - ихтиёрий пенсия таъминоти	Аёллар ва эркаклар 65 ёшдан	1-даража бўйича барча фуқароларнинг даромадлари ҳисобидан - 16%; 2-даража бўйича барча фуқароларнинг иш ҳақи ҳисобидан - 2,5%; 3-даража бўйича барча фуқароларнинг иш ҳақи ҳисобидан - 10,0%
Чили	Кўп даражали пенсия тизими: 1-даража - муайян бир хусусий пенсия фондига мажбурий ажратмалар; 2-даража - ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик ҳодисаларидан суғурталаниш	Аёллар 60 ёшдан, эркаклар 65 ёшдан	Иш ҳақининг 10,0% миқдориди
Россия Федерацияси	Кўп даражали пенсия тизими: 1-даража-базавий мажбурий пенсия таъминоти; 2-даража-суғуртага асосланган пенсия таъминоти; 3-даража- жамғариб бориладиган пенсия таъминоти	Аёллар 55 ёшдан, эркаклар 60 ёшдан	Иш ҳақи фондидан 22,0% (тегишлича 6,0%; 10,0%; 6% миқдориди)
Ўзбекистон	Кўп даражали пенсия тизими: 1-даража - тақсимланувчи (авлодлар бирдамлиги ва суғуртага асосланган) пенсия тизими; 2-даража - мажбурий жамғариб бориладиган пенсия таъминоти; 3-даража - ихтиёрий жамғариб бориладиган пенсия таъминоти	Аёллар 55 ёшдан, эркаклар 60 ёшдан	Корхоналар томонидан иш ҳақи фонднинг 25%; фуқаролар томонидан иш ҳақи фондидан мажбурий суғурта бадаллари 8% (2019 йил 1 январь ҳолатигача); фуқаролар томонидан иш ҳақининг солиққа тортиладиган қисмининг 0,1 % миқдориди

¹ Бровчак С.В. Пенсионное обеспечение. Российский и зарубежный опыт. - М., 2009.

Хорижий давлатларда ишлаётган аҳоли сонини қисқартирмаган ҳолда пенсионерлар сонини қисқартириш сиёсати олиб борилмоқда. Бунинг мазмуни шундан иборатки, аҳолини пенсияга чиқиш ёшини қонун асосида белгиланган муддатларини узайтириш натижасида, пенсия харажатларини камайтириш мақсадида мамлакатдаги пенсионерлар сонини нисбатан қисқартиришга ҳаракат қилинмоқда. ИХТТ экспертларининг тадқиқот натижаларига кўра, XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида Япония ва Европа мамлакатларида пенсия харажатлари ЯИМнинг 14-20 фоизгачасини ташкил қилади. Лотин Америкаси ва Осиё мамлакатларининг аксариятида 2030 йилга бориб, 60 ёшдан ошган аҳоли жами аҳолининг 16,0 фоизини ташкил қилади¹.

Италияда 65 ёшли фуқаро учун минимал пенсиянинг миқдори мамлакатда белгиланган ўртача ойлик иш ҳақининг 22,0 % ини ташкил этади, фуқаро 70 ёшдан ошганда эса ўртача ойлик иш ҳақининг 28,0 %и миқдорида белгиланади². Италияда стаж билан боғлиқ пенсия ва нафақа турлари қуйидагилардан иборат: эрта пенсияга чиқиш; кеч пенсияга чиқиш; бола тарбиялаган давр учун нафақалар; ишсизлик нафақалари. Италияда эрта пенсияга чиқиш давлат томонидан қўллаб-қувватланмайди, 2008 йилдан пенсия ёшига етиб ишлашни давом эттирган шахслар иш ҳақисига қўшимча 32,7% миқдоридаги бонусга эга бўлишади, ушбу даромадлар солиқдан озод қилинади. Италия пенсия тизимида жамғариб бориладиган ихтиёрийлик асосидаги пенсиялар мавжуд, улар очиқ ва ёпиқ фондлар ёки жамоавий фондлар томонидан бошқарилади. Ёпиқ фондлар ҳам ишчилар томонидан, ҳам иш берувчилар томонидан ўтказмалар орқали шаклланиши мумкин.

Хусусий фондларга тўловлар ставкаси ҳисобланган иш ҳақининг 6,91% миқдорида белгиланган. Фондлар тўловларни қатъий белгиланган

¹ Маматов Б., Хамраева Ф. Жаҳонда пенсия тизими моделлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари. // «Халқаро молия ва ҳисоб» электрон журнали, 2018, 3-сон.

² Pensions at a Glance 2013 OECD AND G20 INDICATORS.

йиллик 1,5% ставка бўйича ёки «яшаш нархлари» индексининг 75%и миқдорида капиталлаштиради. Италияда янги тизимга кўра пенсия ёшини аёллар ва эркаклар учун босқичма-босқич ошириш мўлжалланган. 2011 йилдаги пенсия ислохотлари натижасида пенсияга чиқиш ёши 62-65 ёш оралиғида ўзгарган. 2012 йилда хусусий секторда банд бўлган эркаклар учун пенсия ёши 62 ёш ва аёллар учун эса 63 ёш бўлган, давлат секторидagi эркаклар ва аёллар учун пенсия ёши 65 ёш бўлган. Пенсия ислохотларига кўра, 2019 йилгача аёлларнинг пенсия ёши эркаклар билан бир хил, яъни 66 ёш қилиб режалаштирилган эди, умр кўриш даражасининг ошиши билан 2018-2021йиллар оралиғида пенсия ёшини камида 67 ёшга етказиш белгиланган.

Корея Республикасида пенсия тайинлаш тартиби қуйидагича: давлат хизматчиси камида 10 йил стажга эга бўлса, 65 ёшида пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлади. Пенсиялар истеъмол саватчасига кўра индексация қилинади. Ишчи пенсия ёшига етганида жамғарилган маблағнинг барчасини ёки ойма-ой олиш ҳуқуқига эга³¹.

АҚШ пенсия тизими талабларига асосан, 67 ёшдаги аёллар ва эркаклар меҳнат стажини, яъни пенсия олишлари учун 26 йил иш стажига эга бўлишлари зарур. Кейинги қонунларда иш стажини 25 йил бўлиши талаб этилмоқда. Иш стажини қанчалик кам бўлса, пенсия миқдори ҳам кам бўлади.

3-жадвалда хорижий давлатларда пенсия ёшининг чегаралари ва пенсия бадалларининг миқдори кўрсатилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, хорижий давлатларда пенсияга чиқиш ёши бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида деярли фарқлар йўқ, пенсия фондларига пенсия бадалларини тўлашда оғирлик иш берувчи ва ишловчи ходимга тенг баробар тақсимланган.

Аксарият мамлакатларда энг асосий муаммо – аҳолининг қариш жараёни, яъни туғилишнинг камайиши ва фуқароларнинг ўртача умр давомийлигининг ошиб бориши натижасидир. Иқтисо-

³¹ Government employees pension. Annual report. 2016 - P.10.

3-жадвал. Хорижий давлатларда пенсия ёши ва пенсия бадаллари миқдори¹.

Мамлакатлар	Пенсия ёши		Пенсия бадали миқдори (иш ҳақидан фоизда)	
	Эркаклар	Аёллар	Иш берувчи	Ишловчи
Буюк Британия	65	60	10	10
Германия	67	67	10-15	10-15
АҚШ	67	67	6,2	6,2
Франция	67	67	9,8	6,2

дий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг прог-нозларига кўра, ИҲТТга аъзо мамлакатларда фуқароларнинг ўртача умр давомийлиги 1950 йилда 63,8 йилни, 2000 йилда 77 йилни ва 2050 йилга бориб, 83,4 йилни ташкил этади¹. Тараққий этган мамлакатларнинг аксариятида ҳозирги кунда демографик ҳолат қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади: меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ўсиши бир мунча сустлашмоқда ёки қисқармоқда, шу билан бирга 60 ёшдан, ҳаттоки 80 ёшдан ошган аҳоли сони ўсиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда³. Бундай ҳолат жамиятда меҳнатга лаёқатсизлар, яъни пенсионерлар сонининг ортишига олиб келмоқда. Асосий муаммо шундаки, «аҳолининг қариши» муаммосига дуч келаётган Ғарб мамлакатлари ўзининг кекса фуқароларига пенсия тўлаш ва зарур бўлган тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлмай қолиши мумкин. Ушбу мамлакатларда ишловчилар, яъни меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг қисқариши кузатилмоқда. Яқин истиқболда ушбу жараён янада фаоллашиши ва кейинчалик ҳозирги ёш авлод ўзининг кексалигини муносиб таъминлаш имконига эга бўлмаслиги ҳам мумкин. 2050-йилларга бориб, кексаларни пенсия билан таъминлашдаги молиявий муаммолар ўткирлашиб, глобал молиявий инқирозга олиб келиши ҳам мумкин.

Фуқаролар яшаш давомийлигининг ортиб бориши ва туғилишнинг камайиши натижасида

¹ Романченко В.С. Сравнительный анализ международного опыта развития пенсионной системы. // Вестник МИЭП, 2015, № 3 (20). -С. 58-73.

² World Population Ageing 1950-2050. NY.2009. -P.34

³ Романченко В.С. Сравнительный анализ международного опыта развития пенсионной системы. // Вестник МИЭП, 2015, № 3 (20). -С. 58-73.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти⁴ (ИҲТТ)га аъзо мамлакатларда 65 ёшдан ошган аҳоли сони 2000 йилда 13 фоизга ошган, бу кўрсаткич 2050 йилга келиб 25 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда. Пенсия суғуртаси учун бўлган мажбурий суғурта бадали – меҳнат билан банд ишчи кучи нархининг бир қисми бўлиб, жамиятнинг иқтисодий жиҳатдан фаол бўлган меҳнатга лаёқатли аъзолари томонидан меҳнатга лаёқатсизлар фойдасига бериладиган зарурий маҳсулотнинг умумлаштирилган қисмидир⁵. Тақсимловчи пенсия тизимининг самараси шунда намоён бўладики, бунда 1 нафар пенсионерга 3-4 нафар иш билан банд фуқаролар тўғри келиши керак. Тараққий этган мамлакатларнинг аксариятида ҳозирги кунда 65 ёшдан ошган ҳар бир пенсионерга 4-5 нафар меҳнатга лаёқатли ёшдагилар тўғри келади. Бироқ 2020-2025 йилларга бориб, Европа мамлакатларида ушбу нисбат 1:2,5, АҚШда 1:3,5 бирликни ташкил қилади⁶.

Жаҳондаги турли мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий ва демографик сабабларга кўра, аҳолининг ўртача умр кўриши ёши турличадир. Лекин пенсионер учун нафақат қачон пенсияга чиқиш,

⁴ Эркин бозор иқтисодиёти ва демократик принципларга асосланган ривожланган мамлакатларнинг халқаро иқтисодий ташкилоти бўлиб, 1948 йилда ташкил этилган. Штаб-квартираси Парижда жойлашган.

⁵ Умурзаков Б.Х. Пенсия бадали солиқ тўловлардан нима билан фарқланади? (Тадбиркорлар ва бўлажак пенсионерларга кўмак сифатида). // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, 2011, 1-сон.

⁶ Исламов Ф.Ф.,Шарифьянова Л.Ш. Модели пенсионного обеспечения зарубежных стран. – Башкирия: «Институт стратегических исследований». Журнал «Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук», 2015, №11. –С. 156-159. <http://publikacia.net/archive/2016/11/1/39>.

балки неча йил йил давомида пенсия олиши ҳам муҳим.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги ҳолатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, пенсияга чиқиш ёши билан ўртача умр кўриш ёши ўртасидаги фарқ 12-16 йилни ташкил этмоқда. Аммо ривожланаётган мамлакатларда ўртача умр кўриш ёши нисбатан қисқа. Вахоланки, ҳозирги кунда аҳолининг ўртача умр кўриш ёши Қозоғистонда 67,9 ёшни, яъни ривожланган мамлакатларидаги кўрсаткичдан анча паст кўрсаткични ташкил этмоқда. Қозоғистонда ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорга кўра, 2018 йилдан эркаклар учун (аёллар учун 58,5 ёш) пенсия ёши 63 ёш қилиб белгиланди. Пенсия ёши ва ўртача умр кўриш ёши ўртасидаги фарқ эса 4-5 йилни ташкил этади. Шу сабабдан пенсияга чиқиш ёшини узайтириш эвазига давлат пенсия фондлари молиявий барқарорлигини таъминлаш масаласи ривожланаётган мамлакатлар учун масалани ҳал этишнинг энг мақбул йўли эмас.

Ривожланаётган мамлакатларидаги пенсия таъминоти тизимларини ислоҳ қилишдаги яна бир муаммо - пенсияга чиқишда эркаклар ва аёллар ёши ўртасидаги фарқнинг мавжудлигидир. Давлат пенсия таъминоти тизими генезиси ва ривожланишида бу масала ўз даври учун муҳим ва долзарб ижтимоий адолат масаласи бўлган. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг деярли барча соҳалар жисмоний меҳнатга асосланганлиги, фан-техника тараққиётининг жадаллашуви амалга ошмаган давр учун аёлларнинг эрта пенсияга чиқиши табиий ҳол бўлган. Лекин фан ва техниканинг ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилиши, ишлаб чиқариш жараёнидан оғир жисмоний меҳнатнинг секин-аста сиқиб чиқарилиши, оғир меҳнатни талаб этувчи тармоқларда аёлларнинг иштироки кескин камайиши натижа-сида жаҳоннинг турли мамлакатларида «аёлларнинг эрта пенсияга чиқиши ҳимоялаш чораси эмас, балки уларни ижтимоий камситилиши» деган ғоялар вужудга келди, бунинг оқибатида пенсияга чиқиш ёши тенглаштирила бошланди.

Бу масаланинг яна бир муаммоли томони шундаки, аёллар ва эркаклар ўртасида объектив

физиологик фарқ мавжуд. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, ривожланган, ривожланаётган мамлакатларнинг деярли барчасида аёллар эркаклардан ўртача 10-12 ёш узоқроқ яшайди. Демак, давлат пенсия фонди даромадларини ташкил этишда бир хил муддатда қатнашганлари ҳолда, аёллар пенсия фондидан 10-12 йил давомида кўпроқ пенсия оладилар. Бу шароитда аёлларнинг пенсияга чиқиш ёши эркакларникидан 5-6 йилга эрта бўлиши айрим баҳсли мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бу билан аёллар эркакларга нисбатан 10-12 йилга кўпроқ ишласинлар ва пенсияга кечроқ чиқсинлар демоқчи эмасмиз. Аммо жамият олдида мазкур муаммонинг мавжудлиги реал ҳолат. Мазкур ҳолат ҳозирги кунда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида аёллар ва эркакларнинг пенсияга чиқиш ёшини тенглаштиришга сабабчи бўлди.

Хулоса ва таклифлар.

Пенсия тизими олдида учта муҳим мақсад туради: фуқароларни кексалик даврида камбағалликдан ҳимоялаш; меҳнат фаолиятининг тугаши билан пенсияга чиқиш вақтида иш ҳақи миқдорига мутаносиб тарзда белгиланган муайян миқдордаги кафолатланган даромадни таъминлаш; келажакда пенсионерларнинг турмуш даражасини ошириш.

Ўзбекистонда пенсия ва нафақа пулларининг ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш мақсадида ҳар ойда талаб қилинган маблағлар тўлиқ молиялаштирилиб келинмоқда, 2017 йил февраль ойидан бошлаб ҳисобланган пенсия ва нафақаларнинг нақд шаклда етказиб берилиши таъминланди.

Давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини бажариш бевосита пенсияларнинг пенсионерларга ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўланиш масаласини ҳам ифода этади. Шу билан бирга пенсияларнинг пенсионерларга ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўланиши Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигига боғлиқ.

Пенсия тизимига таъсир этувчи омиллар шуни кўрсатдики, бозор муносабатлари шароитида пенсия миқдорини шакллантирувчи омил бу ишчи-ходим меҳнат стажининг давомийлиги эмас, балки

суғурта стажининг давомийлигидир. Бошқача қилиб айтганда, пенсия бадаллари тўлови даврининг давомийлигидир.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, пенсия тизимини ислоҳ қилиш ижтимоий норозиликларни келтириб чиқариши мумкин, чунки бу ислоҳотлар пенсия ёшини ошириш ёки пенсия бўйича имтиёزلарни бекор қилиш ёхуд пенсия фондларига тўланадиган суғурта бадаллари миқдорини ошириш билан боғлиқ. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳозиргача сақланиб келаётган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими ва пенсия таъминоти тизимини жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг кўп йиллик мазкур соҳасидаги бой тажрибаларини ўрганиб, мамлакатимизнинг хусусиятларига мос келадиган томонларидан фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон пенсия таъминоти тизимини марказлаштирилган давлат таъминоти тизимидан бозор талаблари механизмига мувофиқлашган мажбурий пенсия суғурта тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фикримизча, Пенсия жамғармаси фаолиятини аниқ шакллантириш ва пенсияларни ҳисоблаш механизминини такомиллаштиришда қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- пенсияларни ҳисоблаш учун зарур бўлган пенсия стажига нисбатан талабнинг ўсишидан келиб чиқиб, эркаклар ва аёлларнинг пенсия ёшини босқичма-босқич тенглаштириш зарур;
- ҳисобланган ва тайинланган пенсия миқдорини манфаатдор томонидан молиявий назорат қилиш имконини ошириш керак.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Т.: «Ўзбекистон», 2018. –88-б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги 4086-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 252-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 30-сон қарори.
6. Бровчак С.В. Пенсионное обеспечение. Российский и зарубежный опыт. – М., 2009.
7. Вахабов А., Охундедаева М. Жаҳон пенсия тизимини ривожлантириш хусусиятлари. // «Молия», 2014, 2-сон. –87-б.
8. World Population Ageing 1950-2050. NY.2009. –P.34
9. Government employees pension. Annual report. 2016 -P.10.
10. Исламов Ф.Ф., Шарифьянова Л.Ш. Модели пенсионного обеспечения зарубежных стран. – Башкирия: «Институт стратегических исследований». // Журнал «Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук», 2015, №11. -С. 156-159.

11. Маматов Б., Хамраева Ф. Жаҳонда пенсия тизими моделлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари. // «Халқаро молия ва ҳисоб» электрон журнали, Т., 2018, 3-сон.
12. Pensions at a Glance 2013 OECD AND G20 INDICATORS.
13. Романченко В.С. Сравнительный анализ международного опыта развития пенсионной системы. // Вестник МИЭП, 2015, № 3 (20). -С. 58-73.
14. Умурзаков Б.Х. Пенсия бадали солиқ тўловлардан нима билан фарқланади? (Тадбиркорлар ва бўлажак пенсионерларга кўмак сифатида). // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, 2011, 1-сон.
15. «Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш концепцияси» лойиҳаси. <http://pf.ru.uz/uz>